

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси)
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент

ЎЗР ОЎМТВ
Буйруқ № _____
20 ____ йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202_ йил «__» _____ даги ____ - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202_ йил «__» _____ даги ____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

| Т/р | | бет |
|--------|---|-----|
| 1. | <i>70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси)</i> магистратура мутахассислигининг умумий таснифи | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1. | <i>70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси)</i> магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши..... | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... | 4 |
| 1.2. | <i>70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи | 4 |
| 1.2.1. | <i>70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари..... | 4 |
| 1.2.2. | <i>70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари..... | 4 |
| 1.2.3. | <i>70310901-Психология (ижтимоий психология)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари..... | 5 |
| 1.2.4. | <i>70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси)</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари..... | 5 |
| 2. | <i>70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси)</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... | 7 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар..... | 7 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар..... | 7 |
| | Библиографик маълумотлар..... | 9 |
| | Келишув варағи..... | 10 |

1. 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) мутахассислигининг умумий таснифи

70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2.70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1.70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари:

70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) - Ижтимоий ва хулқ-атворга мансуб фанлар таълим соҳасидаги мутахассислик бўлиб, олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, миллий ва умуминсоний фалсафий кадриятларни тиклаш ва мустаҳкамлаш масалалари билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот муассасалари ва жамоат бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларини; маънавият ва маърифат марказлари; давлат ва маҳаллий бошқаруви органларида маънавий-маърифий тадбилар уюштириш; “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтида; Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида, Хотин-қизлар маслаҳат марказларида фаолият турларига кўра психологик хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим муассасалари талабалари;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари, ўқувчилари ва ходимлари;
- Республика “Оилавий муносабатлар” илмий-тадқиқот маркази объектлари;
- Хотин-қизлар маслаҳат маркази;
- Хотин-қизлар маслаҳат марказига мурожаат қилувчи шахслар;
- Республикадаги оилалар;
- психологик тадқиқот методикалари;
- никоҳ кураётган ёшлар;
- оилавий муносабат субъектлар;
- оилавий низо субъектлари;

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- *илмий-тадқиқот;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *маънавий-маърифий;*
- *лойиҳавий;*
- *олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик (ўрнатилган тартибда);*

- *Турли хизматлар кўрсатиш кабиларни ўз ичига олади.*

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 70310901-Психология (ижтимоий психология) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70310901-Психология (ижтимоий психология) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим;
- психологик тадқиқот усулларини такомиллаштириш ва татбиқ этиш;
- психологик тадқиқот усулларини қўллаш асосида хулқ-атвор ва фаолият мезонлари бўйича психологик моделлар ишлаб чиқиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ижтимоий жараёнларни бошқариш, ишлаб чиқариш ва унинг ресурсларини режалаштириш билан боғлиқ юз берадиган психологик муаммоларни таҳлил қилиш

қобилиятига эга бўлиши;

- илмий тадқиқот гуруҳлари ишини ташкил этиш ва бошқариш қобилиятига эга бўлиши;

- бошқарув жараёнини оптималлаштиришнинг психологик усулларини қўллаш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг таклиф ва талаблари асосида соҳага тегишли маърифий тадбирларини ташкил этиш;

- маҳаллий матбуот, илмий-оммабоп телерадио эшиттириш, кўрсатувларда соҳага тегишли материаллар билан иштирок этиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Лойиҳавий фаолиятда:

- жорий ва даврий кўрсаткичлар нисбати таҳлили ва зарур ресурсларни ҳисобга олган ҳолда уни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, лойиҳавий фаолиятнинг мониторинги учун маълумотлар базаси яратиш;

- тадқиқот, аналитик ва консалтинг лойиҳа фаолиятини амалга ошириш учун методик инструментарийлар, меъёрий ҳужжатлар, информацион маълумотлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

- психологик кўрсаткичлар, жараён ва муносабатларни диагностика қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

- психология йўналишлари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини тарқатишда иштирок этиш;

- турли мақсадли аудиториялар учун маркетинг тадқиқотларни илмий-методик, техник ва информацион жиҳатдан таъминлаш, маркетинг хизматлар учун тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда):

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

- электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;

- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиши лозим.

Турли хизматлар кўрсатиш:

- фуқаролар ичидан индивидуал психологик ёрдамга мухтож кишиларга пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

- оилавий ва шахслараро муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш;

- оилавий низо билан боғлиқ муаммолар юзасидан психологик маслаҳатлар бериш;

– оилавий муносабатларга доир социал-психологик тренинг курслари ишлаб чиқиш ва психологик ёрдамга мухтож оилавий муносабатларнинг муаммоларини ечишда татбиқ этиш;

– оилавий низолар ва инқироз ҳолатини аниқлашга зарурат сезган шахсларга психодиагностик ва психологик маслаҳат ёрдамини кўрсатиш;

– психология соҳаси мутахассисликлари бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

– психология соҳасига тегишли магистр тайёрлаш ихтисослигига мос бўлган илмий лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

– ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

2. 70310901-Психология (ижтимоий психология) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, ихтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;

- психологик хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва бошқариш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича ташкилот ва муассасалар фаолиятини самарали ташкил қилишда психологик усулларни қўллай билиши;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича психологик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича психологик муаммолар ва уларнинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича психологик хизмат йўналишлари режаларини ишлаб чиқишни, психологияга доир илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;
- тармоқ ва соҳалар бўйича психологик тадқиқотлар йўналишларини, уларнинг ечиш йўллари ва усулларини татбиқ этиш;
- оилавий муносабатлар психологияси муаммоларини тадқиқ этиш;
- оилада психологик маслаҳат ва психотерапияси қонуниятларини амалиётда қўллаш;
- ўйин терапиясини соҳа мос татбиқ этиш;
- оилавий муносабатларни ўрганиш методларини соҳага доир тадқиқотларга жорий этиш;
- оилавий инқирозлар психологияси бўйича тадқиқотлар ва психологик хизматни ташкил этиш;
- оиладаги зўравонлик вазиятларини психосоциал ёрдам нуқтаи назардан ҳал этиш;
- ота-оналар билан ишлашда психологик интервенция қонуниятлари ва механизмларини амалиётда татбиқ қилиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7
ОКС

Гуруҳ

Таянч сўзлар:

Оилавий муносабатлар психологияси, оилавий низо, психологик маслаҳат, кичик гуруҳлар, катта гуруҳлар, лидер, интеграция, перцепция, коммуникация, интерактив, ҳулқ, атвор, фрустрация, агрессия, оилавий муносабатлар, никоҳ, эр-хотин, оилавий муносабатларвий роллар, шахслараро муносабат, тренинг, социал тренинг.

Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор  И.Маджидов




202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологиялари татбиқ этиш маркази



Директор в.б.  М.Эсонов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси



Ректор  М.Камилов


202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети




Бошлик  М.Рустамбоев

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот
институту




Директор  Н.М.Эгамбердиева

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

Тошкент давлат педагогика университети

Ректор  А.Ю.Умаров



202_ йил « _____ » _____

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 70310901–Психология (фаолият турлари бўйича), 70310901–Психология (амалий психология); 60310901–Психология (оила психологияси), 70310901–Психология (ёшлар психологияси) магистратура мутахассисликлари малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ ” _____ 2021 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар – “Махалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директори Н.Эгамбердиева, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори М.Камилов, Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи М.Рустамбоев, Тошкент давлат педагогика университети ректори А.Умаров, Ўзбекистон Миллий университети ректори проф. И.Маджидов билан биргаликда ЎЗМУда ишлаб чиқилган қуйидаги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. 70310901–Психология (фаолият турлари бўйича)
2. 70310901–Психология (умумий психология);
3. 70310901–Психология (ижтимоий психология);
4. 70310901–Психология (оилавий муносабатлар психологияси);

Малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инobatга олинган.

Магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

“Махалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директори

Н.Эгамбердиева

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори

М.Камилов

Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи

М.Рустамбоев

Тошкент давлат педагогика университети ректори

А. Умаров

Ўзбекистон Миллий университети ректори

И.Маджидов

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 70310901-Психология (фаолият турлари бўйича), 70310901-Психология (умумий психология), 70310901-Психология (ижтимоий психология), 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассисликлари бўйича олий маълумотли магистрлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режалар

ТА Қ Р И З

М.Улугбек номидаги ЎЗМУ да 70310901-Психология (фаолият турлари бўйича), 70310901-Психология (умумий психология), 70310901-Психология (ижтимоий психология), 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

70310901-Психология (фаолият турлари бўйича), 70310901-Психология (умумий психология), 70310901-Психология (ижтимоий психология), 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассисликлари бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари хориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, магистрларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар ҳамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилларига амал қилинган. Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимооти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 70310901-Психология (фаолият турлари бўйича), 70310901-Психология (умумий психология), 70310901-Психология (ижтимоий психология), 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассисликларининг таълим йўналиши бўйича магистрлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтириш ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот
институтининг директори



Н.Эгамбердиева

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 70310901-Психология (фаолият турлари бўйича), 70310901-Психология (умумий психология), 70310901-Психология (ижтимоий психология), 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассисликларини бўйича олий маълумотли магистрлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари

ТА Қ Р И З

М.Улуғбек номидаги 70310901-Психология (фаолият турлари бўйича), 70310901-Психология (умумий психология), 70310901-Психология (ижтимоий психология), 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорлари билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

70310901-Психология (фаолият турлари бўйича), 70310901-Психология (умумий психология), 70310901-Психология (ижтимоий психология), 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассисликлари бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режасида таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юкламаси ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифатига қўйиладиган талаблар тўғри кўрсатилган. Таълим йўналишида ўқитиладиган барча блок фанлари тўғри танланган. Таълим олувчиларда ҳориж тажрибаси асосида чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда илгор хорижий ОТМ ларининг замонавий услуб ва технологияларига, ўқув машғулотларининг шакллари ва мустақил билим олишга кенг ўрин берилиши диққатга сазовордир. Малака талаблари ва ўқув режа халқаро стандартларга мос ҳолда тузилган. Фанлар бўйича соатларни таксимлашда белгиланган вақт меъёрларига амал қилинган. Фанларни блоклар ва семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчиларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 70310901-Психология (фаолият турлари бўйича), 70310901-Психология (умумий психология), 70310901-Психология (ижтимоий психология), 70310901-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режалари ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ҳолда сифатли тузилган бўлиб, ўқув жараёнининг меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

Тошкент давлат педагогика университети
“Психология” кафедраси мудири,
п.ф.н. доцент

Н.Халилова